



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№30 (983)

2026 йил 21 апрель, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

**"Урганч - Хива"  
автомагистрალი:**

замонавий транспорт  
инфрагузилмаси  
сари муҳим  
қадам



2

Президент  
ташрифидан сўнг...

## Олмалиқ мўъжизаси минглаб оилаларга барака олиб келади



▲ Олмалиқ кон-металлургия комбинатида.



Тоғларга туташиб  
кетган улкан  
конларда ҳам нафас  
бор. Бунда минглаб  
инсонларнинг меҳнат  
шижоати, тинимсиз  
айланаётган улкан  
тегирмонларнинг  
овози мужассам.

Буни гигант заводнинг оддийгина шовқини десангиз адашасиз. Бу Ўзбекистон санъатининг ураётган юрагига ўхшайди. Кончининг юзидаги табассумда, келажакка қатта умид билан боқаятган ёш муҳандиснинг кўзларида Ватаннинг қудрати кўринади.

Қачонлардир фақат хомашё етказиб берувчи, табиий бойликларини арзон баҳода четга чиқарувчи бўлган даврлар ортда қолди.

Бугун қалбда ғурур. Ерости хазиналаримиздан юқори технологик маҳсулотлар яратаятган, дунё билан бўйлашаётган қудратли давлатга айландик.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 16 март куни мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросими бўлиб ўтган эди. Шу тарихий тадбирда иштирок этар эканмиз сўзимиз бошидаги ҳисни туйдик.

2

Муносабат

## Хусусий қурилиш назорати янги тартибда

Сайдносир УСМОНОВ,  
Қурилиш ва уй-жой  
коммунал хўжалиги  
вазирлиги ахборот  
хизмати раҳбари.



Хукумат қарори билан "Якка тартибдаги уй-жойлар ҳамда кичик ҳажмдаги нотураб бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан хусусий қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланди.

Унга кўра, Бино ва иншоотларни қуриш юзасидан хусусий қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби белгиланди.

Энди хусусий қурилиш назорати объектнинг қурувчиси ва назоратчи ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Хусусий қурилиш назорати буюртмачининг (мулкдор) ихтиёри билан амалга оширилади.

Объектларда 1 ойда камида 1 марта хусусий қурилиш назорати амалга оширилади. Бунда ўтказиладиган ҳар бир хусусий қурилиш назоратининг муддати 1 иш кунидан ошмаслиги белгиланмоқда.

Қуйидагилар объект қурилишининг асосий босқичлари ҳисобланади:

- бино ва иншоот пойдеворини қуриш;
- пойдевор қуриш;
- асосий кўтариб турувчи конструкцияларни қуриш;
- деворлар ва тўсиб турувчи конструкцияларни қуриш;
- том ёпиш ва бошқалар.

Объект буюртмачиси қурилишнинг ҳар бир босқичи якунланишидан 2 кун аввал хусусий қурилиш назоратчисини электрон ва ёзма шаклда хабардор қилиши лозим.

Хусусий қурилиш назоратчиси хабарномани олган кундан бошлаб 1 иш кунини ичида қурилиш объектига сертифициланган назоратчини бириктиради.

Хусусий қурилиш назоратчиси 5 иш кунини мобайнида ижобий хулоса беради ёки объектни қўшимча кўздан кечириб, белгиланган асослар мавжуд бўлганда, ижобий хулоса беришни рад этади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мазкур янги тартиб якка тартибдаги қурилишлар соҳасида сифат назоратини институционаллаштириш, қурилишда хавфсизликни ошириш, мастулият ва шаффоқликни кучайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ушбу механизм келгусида хусусий назорат институтларини ривожлантириш ва қурилиш бозорига янги хизмат турларини шакллантириш учун асос бўлиши кутилмоқда.

Жиззахда "Яшил макон" лойиҳаси доирасида амалга ошириляётган ишлар.



## Баҳор мавсумида 5 миллион 912 минг туп кўчат экилади

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, яшил ҳудудлар улшини кенгайтириш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш "Ўзбекистон - 2030" стратегиясининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу мақсадлар ижросини таъминлашда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ҳудудларда аниқ рақамлар ва амалий натижалар орқали ўз ифодасини топмоқда.

Жиззах вилоятида ҳам мазкур лойиҳа доирасидаги ишлар тизимли ташкил этилган бўлиб, жорий йил баҳор мавсумида 5 миллион 912 минг туп манзарали, мевали дарахт ва бутта кўчатлари экиш режалаштирилган. Бу кўрсаткич ҳудудда яшил ҳудудлар улшини ошириш бўйича белгиланган вазифалар изчил амалга ошириляётганини кўрсатади.

Белгиланган режаларни таъминлаш мақсадида олинган мустаҳкам моддий база яратилган. Хусусан, вилоятда жами 3 миллион 200 минг туп кўчат захираси тайёрланган. Ушбу захиранинг 2 миллион 108 минг тупи ўрмон хўжаликлари, 487 минг тупи кўчатчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари, 551 минг тупи аҳоли томорқалари ва тадбиркорлик субъектлари, 20 минг тупи эса Академик Махмуд Мирзаев номидаги илмий-тадқиқот муассасасининг Жиззах илмий тажриба станцияси томонидан етиштирилган.

– Бу рақамлар ортида фақат статистика эмас, балки тизимли ҳамкорлик ва режали иш этади, – деди вилоят экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси шўъба мудири Қобил Мингбоев ўЗА мухбири Абдужалол Қаюмовга. – Энг муҳими, кўчат экиш ишлари ҳудуднинг табиий шароитига мос равишда амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда анъанавий усуллар билан чекланиб қолинмай, табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда янги агротехник ечимлар жорий этилмоқда. Жумладан, тоғли ва қия ҳудудларда ўрмонзорлар барпо этишда "терасса" усулига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда Зомин тумани тоғли ҳудудларида 600 гектар, Бахмал туманида эса 360 гектар майдонда айнан шу усул асосида кўчат экиш ишлари амалга оширилмоқда. "Терасса" усули қия ерларда тупрокни поғонали шаклда текислаш орқали ёмғир ва қор сувларини ушлаб қолиш, намликни сақлаш ва тупроқ ювилиб кети-

шининг олдини олиш имконини беради. Бу эса сув ресурслари чекланган шароитда ҳам юқори самарадорликка эришиш имконини яратаяди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам амалий натижалар кузатишмоқда. Хусусан, Бахмал туманида фермер хўжаликлари томонидан 200 гектардан ортиқ майдонда 230 мингдан зиёд мевали дарахт кўчатлари экилди. Бу эса ҳудудда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Йўл инфрагузилмаси атрофини кўкаламзорлаштириш ҳам изчил давом этмоқда. "Йул кўкалам" давлат муассасаси томонидан Шароф Рашидов ва Пахтакор туманлари ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўллари бўйларида 200 минг тупдан ортиқ тез ўсувчи терак кўчатлари экилиб, "яшил белбоғлар" барпо этилмоқда. Бу ташаббус атмосфера ҳавосини тозалаш, чанг ва шамол тасирини камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Фориш туманида Айдар-Арнасой кўлига туташ чўл ҳудудларида 200 гектар майдонда "яшил қопламалар" барпо этиш режалаштирилган ҳудудларни экологик жиҳатдан тиклашга қаратилган манзилли чоралардан далолат беради.

Умуман, Жиззах вилоятида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида амалга ошириляётган ишлар нафақат кўчат экиш билан чекланиб қолмапти. Балки у ҳудудларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашувни танлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва аниқ натижаларга эришишга қаратилган тизимли жараёнга айланмоқда.

Бу эса "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида белгиланган экологик барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва яшил ҳудудлар улшини ошириш каби вазифалар ижроси амалда таъминланаётганини яққол кўрсатади.

uzbunyodkor.uz  
info@uzbunyodkor.uz  
uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor  
uzbunyodkor  
qurilish.today



▼ Олмалик кон-металлургия комбинатига 3-мис бойитиш фабрикаси ишга тушди.



# Олмалик мўъжизаси минглаб оилаларга барака олиб келади

➔ 1 Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу муҳим кун – Олмалик кон-металлургия комбинатига 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида шахсан иштирок этгани лойиҳанинг давлат аҳамиятига молик стратегик воқеа эканини яна бир бор тасдиқлади. Давлат раҳбари рамзий тумани босар экан, бу Ўзбекистон саноатининг янги даврига старт берилганининг рамзи бўлди.

Ўзбекистоннинг тоғ-кон соҳаси сўнгги тўққиз йилда мисли кўрилмаган трансформацияни бошдан кечирди. Соҳада шаффоф тизимнинг яратилиши натижасида 10 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилди. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас, балки инвесторларнинг Ўзбекистон келажагига бўлган ишончидир. Ҳозир соҳада 65 та хусусий корхонанинг муваффақиятли фаолият юритаётгани рақобат ва сифат янги босқичга чиққанидан далолат беради.

Натижалар эса ҳайратланарли! Ишлаб чиқариш 1,7 баробар ўсиб, ўтган йили 270 триллион сўмини ташкил этди. Мамлакат бюджети тушумларининг турдан бири айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келаётгани тоғ-кон саноати иқтисодий тизимининг муҳим бўлини эканини исботлайди.

Янги фабриканинг ишга туширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон металлургия харитасидаги ўрнини тубдан ўзгартирди. Қиймати 2 миллиард 700 миллион доллар бўлган ушбу мажмуа 196 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, у ўз қўлига кўра "саноат гиганти" саналади. Бундай улкан лойиҳани амалга оширишда Италиянинг "Wood", Буюк Британиянинг "Worley Parsons" каби халқаро компаниялари, шунингдек, "Metso", "FLSmidth" ва "Siemens" каби жаҳон технология етакчиларининг жалб этилиши Ўзбекистоннинг халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беришини кўрсатди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, бу фабрика Марказий Осиёдаги энг йирик ва дунёдаги санокли юқори технологик мажмуалардан биридир. Йилга 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қуввати Ўзбекистонни мис концентрати ишлаб чиқариш бўйича дунё етакчилари қаторига олиб чиқади.



Бугунги кунда дунё "яшил" иқтисодиёт, электротехника ва сунъий интеллект сари одимламоқда. Бу соҳаларнинг барчасида мис энг муҳим стратегик хомашё ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, кимки мис саноатида юқори қиймат занжирини яратса, келажак саноатини барпо этган бўлади.

Ўзбекистон бу борада улкан захирага эга. Биргина "Ёшлик-1" ва "Қалмоққир" конларида 45 миллион тонна мис ва 5 минг тоннадан зиёд олтин захираси мавжуд. Бу дегани, бизнинг саноатимиз камида яна 100 йил давомида кафолатланган хомашё базасига эга. Энг муҳими, энди мис шунчаки хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида сотилмоқда. Заргарлик саноатининг 3,3 қарра ўсиб, 13 триллион сўмдан ошгани бунинг ёрқин исботидир.

Ушбу лойиҳа оддий халқ учун катт фойда беради. Бу янги иш ўринлари ва юқори даромаддир. Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 6 мингдан зиёд ёшлар юқори маошли иш билан таъминланади. Бу 6 мингта оиланинг фаровонлиги, минглаб ёшларнинг келажакка бўлган ишончи демакдир.

Замонавий фабрикада ишлаш учун замонавий билим керак. Шу мақсадда Олмаликда "МИС"С, Италиянинг Пиза университети фи-

лиаллари ва бошқа нуфузли олийгоҳлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги ёшлар Канада, АҚШ ва Чилининг илгор тажрибалари асосида таълим олмақда. Демак, биз нафақат заводлар, балки юқори малакали муҳандислар авлодини ҳам етиштирмаймиз.

Янги фабрикада барча жараёнлар рақамлаштирилган ва сунъий интеллект асосида бошқарилади. Бунинг натижасида энергия сарфи 10 фоизга, маҳсулот таннарихи 15 фоизга камайд.

Ўзбекистоннинг режалари янада улкан. 2030 йилга қадар мис ишлаб чиқаришни 500 минг тоннага, олтинни 175 тоннага, уранини 15 минг тоннага етказиш мақсад қилинган. Ҳозирда қиймати 22 миллиард долларлик лойиҳалар устида иш олиб борилаётган. Тез орада 4-мис бойитиш фабрикаси ва янги мис эритиш заводи ҳам қал ростилади, деб ёзади ЎзА мухбири Икром Аввалбоев.

Олмалик бағрида бошланган бу янги индустриал давр мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиши йўлидаги улкан қадам бўлди. Бугун пойдевори қўйилган бу ислохотлар эртага минглаб оилалар дастурхонига барака, юртга эса бекиёс кудрат бўлиб қайтади.

# Янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди

▼ Беруний туманидаги 39-сонли умумий ўрта таълим мактаби янги қиёфада.

Беруний туманида бир кунда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди. Беруний тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 39-сонли умумий ўрта таълим мактаби "Озод" овул фуқаролар йиғинида жойлашган.

Маълумки, мазкур мактабнинг амалдаги биноси 1970 йилда 140 ўринга мўлжаллаб қурилган бўлиб, ўқувчилар сонининг ортиши натижасида кейинги йилларда 2,5 коэффицент асосида фаолият юритиб келаётган эди. Ҳозирги кунда мактабда 354 нафар ўқувчига 35 нафар педагог таълим-тарбия бermoқда.

Шундай шароитга қарамадан 2024-2025 ўқув йили якунларига кўра, мактабнинг 33 нафар битирувчисидан 13 нафари, яъни 40 фоизи олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Сўнгги йилларда таълим тизимини ривожлантириш, ўқувчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида ушбу мактаб ҳудудида 6 миллиард 200 миллион сўмлик қўшимча янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Илгари мактабда спорт зали мавжуд бўлмаган бўлса, янги бинода замонавий, 12Х24 ўлчамдаги спорт зали барпо этилди.

Шунингдек, бинога замонавий лифт ўрнатилиб, иситиш тизимини яхшилаш мақсадида янги "МТУ-300" русумли теплонасос жорий



этилди. Қолаверса, имконияти чекланганлар учун ҳам қулай ҳамда замонавий муҳит яратилди.

Мазкур таълим масканининг очилиш тадбирида Беруний тумани ҳокими Икром Хидиров иштирок этиб, Президентимизнинг таълим тизимида амалга ошираётган ислохотларига алоҳида тўхталиб ўтди. Нурунийлар билан биргаликда синфхоналар ва спорт залларини қўриб чиқди. Синфхоналарда ўқувчи ёшлар билан суҳ-

батлашиб, уларга замонавий билимлар эгаллаш борасида бир қанча тавсиялар берди.

Албатта, бундай янгиланишлар мактабда таълим олаётган ўқувчилар ҳамда фаолият юритаётган барча педагог ва ходимлар учун кенг имкониятлар эшигини очади. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифати ошишига, ёшларнинг билим ва салоҳияти юксалишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

# Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди

▼ Беруний тумани "Бийбозор" овул фуқаролар йиғинида барпо этилган ичимлик сув таъминоти объекти.



Аҳоли турмуш тарзини ривожлантиришга кўмаклашиш Республика "Тараққиёт" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг олис ҳудудларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария лойиҳаси доирасида Беруний тумани "Бийбозор" овул фуқаролар йиғинида ичимлик сув таъминоти объекти фойдаланишга топширилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Объектнинг очилишига бағишланган тадбирда Швейцариянинг Ўзбекистондаги факултета ва мухтор элчисининг ўринбосари жаноб Эндрин Финк, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир ўринбосари Озода Жураева ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Беруний туманидаги "Бийбозор" ОФЙ Пахтачи қишлоғини ичимлик суви билан таъминлашни рамзий равишда

бошлаб беришди. Маросимнинг ўзига хос жиҳати, бир вақтнинг ўзида республиканинг 6 вилоятида жойлашган 9 та ичимлик суви иншооти фойдаланишга топширилди ва онлайн тарзда очилиш маросими ўтказилди. Энг муҳими, лойиҳа доирасида илк бор 40 мингдан зиёд аҳоли тоза ва хавфсиз ичимлик суви таъминотига эга бўлади.

Лойиҳа доирасида ушбу фуқаролар йиғини ҳудудида 16 километр узунликдаги асосий ичимлик суви тармоғи тортилди. 2 та янги ер ости сув қудуғи, 1 та замонавий сув минораси ва 1 та индивидуал замонавий сув чучуқлаштирувчи ускуна, энергия таъминоти учун қуёш панеллари ҳам ўрнатилган. Натижада ушбу ҳудуддаги 248 та хонадонда яшовчи 1 минг 600 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

– Бийбозорда ичимлик суви таъминоти масаласи йиллар давомида аҳолини қийнаб келётган энг долзарб муаммолардан бири эди, – деди Беруний тумани ҳокими ўринбосари Қ. Қошанов. – Шу боис, эски тармоқларни қисман таъмирлаш билан чеклиб қолмасдан, бутунлай янги тизим яратишга қарор қилдик. Бу лойиҳа нафақат сув етиб боришини, балки турмуш сифати яхшиланишини ҳам назарда тутди. Қолаверса, бу – қишлоқнинг келажакка қилинган муҳим сармоядир. Муҳими, аҳоли санитарияси, саломатлиги ва турмуш тарзи яхшиланади. Янги сув тизими орқали "Бийбозор" ОФЙ аҳолиси ҳаётида сифат жиҳатидан янги босқични бошлашни мақсад қилганмиз.

Лойиҳанинг амалга оширилиши қишлоқдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиб, тоза ичимлик суви билан барча учун тенг фойдаланиш имкониятини яратди. Бу эса, нафақат шаҳарсозлик, балки ижтимоий барқарорлик йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

# "Урганч – Хива" автомагистралли: замонавий транспорт инфратузилмаси сари муҳим қадам

Ўзбекистон Республикасида транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, замонавий автомобиль йўлларини барпо этиш ва логистика тизимини ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, халқаро стандартларга мос замонавий автомобиль йўлларини барпо этиш ҳамда логистика тизимини ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Барно САЛИМОВА,  
Тошкент давлат транспорт университети профессори.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг транспорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорларида автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва пуллик йўллар тизимини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Хоразм вилоятида "Урганч – Хива" йўналишида мамлакатдаги илк пуллик автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида узунлиги 32-35 километр бўлган, тўрт тасмали, юқори тезликка мўлжалланган замонавий автомагистраль барпо этилиши кўзда тутилган. Йўл таркибига 17 та кўприк, 8 та йўл ўтказгич, 1 та туннел ҳамда замонавий муҳандислик коммуникациялари киритилган бўлиб, бу инфратузилма транспорт оқимини самарали бошқариш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу автомобиль йўли мавжуд йўлларга муқобил бўлиб, тирбандликларни бартараф этиш, транспорт оқими ўтказувчанлигини ошириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, янги автомагистраль ишга тушгач, Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасидаги қатнов вақти сезиларли даражада қисқаради.

Тошкент давлат транспорт университети Автомобиль йўллари муҳандислиги факультети Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва геометика кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан мазкур лойиҳа амалий жиҳатдан ўрганилди. Жараён давомида йўлнинг геометрик параметрлари, лойиҳавий ечимлари, замонавий қурилиш технологиялари ва материаллари, йўл қопламасининг мустаҳкамлиги ва хизмат



муддати, шунингдек транспорт оқимини бошқаришнинг рақамли тизимлари чуқур таҳлил қилинди.

Объектни ўрганиш жараёнида қуйидаги илмий-амалий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди:

- автомобиль йўлининг геометрик параметрлари ва лойиҳавий ечимлари;
- замонавий қурилиш технологиялари ва материаллари қўлланилиши;
- йўл қопламасининг мустаҳкамлиги ва хизмат муддати;
- транспорт оқимини бошқаришнинг рақамли тизимлари.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур лойиҳа ҳудудий транспорт тизимини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга, туризм салоҳиятини ошириш, савдо-логистика алоқаларини кенгайтириш ва инвестицион жозибдорликни қучайтиришда муҳим стратегик омил сифатида хизмат қилади.

## Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 602-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида нazorат қилиш инспекцияси тўғрисида Низом"га мувофиқ, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариш юбориш соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш Инспекциянинг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

### Ортиқ ИСРОИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси.

Тошкент шаҳар худудий инспекцияси томонидан мазкур Низом талаблари ижроси юзасидан мунтазам равишда рейд тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан, СЭС билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув сифатини ўрганиш бўйича жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 665 та ҳолатда тадбир ўтказилди. Шунингдек, сув таъминоти қорхонасининг 30 та объектда технология аудит ўтказилиб, 12 та оқова сувларни тозалаш иншоотида олиб борилган ўрганиш давомида 4 та ҳолатда камчилик аниқланди. 33 та ер ости қудуғи кўздан кечирилганда, 2 та ҳолатда камчиликлар аниқланди. 30 та ичимлик сувини зарарсизлантириш ускунаси ўрганилиб, 1 та ҳолатда талабларга номувофиқлик аниқланди.

Бундан ташқари, 180 та бюджет ташкилотидан ва 20 та тадбиркорлик субъектида ичимлик

суви таъминоти ҳамда оқова сувларни чиқариш қондаларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилди. Бюджет ташкилотларида 17 та, тадбиркорлик субъектларида эса 20 та ҳолатда қоидабузарликлар аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 47 та мажбурий кўрсатма киритилди. Шунингдек, сув ресурсларини муҳофаза қилиш қондаларини бузиш, сувдан фойдаланиш ва истеъмол қондаларига риоя этмаслик, сувларнинг давлат ҳисобини юритиш тартибини бузиш ҳамда водопрвод ва оқова сув тармоқларидан фойдаланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ жами 207 та ҳолатда ҳуқуқбузарларга нисбатан 738 716,0 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилди. 4 та ҳолатда эса текширув материаллари қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.



Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 25 мартдаги УРҚ-1124-сон Қонунига мувофиқ, 2026 йил 25 июндан бошлаб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдори оширилмоқда. Жумладан, оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидан фойдаланиш қондаларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан жарима миқдори ўттиз баравардан эллик бараваргача, яъни 12 360,0 минг сўмдан 20 600,0 минг сўмгача белгиланмоқда.

Ҳозирги кунда эса мазкур ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан ўн баравардан ўн беш бараваргача, яъни 4 120,0 минг сўмдан 6 180,0 минг сўмгача жарима қўлланилмоқда.



## Соғлом ҳаёт гарови

Бугунги кунда республика бўйича марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси ўртача 81,5 фоизни ташкил этади. Худудлар кесимида қарайдиган бўлсак, Тошкент шаҳри (98,4 фоиз), Андижон (92 фоиз) ва Хоразм (91,6 фоиз) вилоятларида ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси энг юқори ҳисобланади. Шу билан бирга, Қашқадарё (61,2 фоиз) ва Сурхондарё (66,5 фоиз) вилоятларида эса энг паст кўрсаткичлар қайд этилган.

### Умидбек МАТНИЯЗОВ,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси шўъба бошлиғи.

Республикамизда ичимлик суви сифати махсус лабораториялар томонидан назорат қилинади. Бироқ, очик сув хавзалари (канал ва ариқлар) сувидан тўғридан-тўғри фойдаланиш, касаллик хавфини ошириши мумкин. Сув орқали юқадиган асосий касалликлар сифатида бактерия касалликлари, вирусли касалликлар, паразитар касалликларни айтиш мумкин.

Қўшимда ичимлик суви манбалари асосан икки турга бўлинади. Булар – ер ости ва ер усти сув манбаларидир. Шу жумладан, Хоразм вилоятида ҳам ичимлик сувининг ер ости ва ер усти манбаларидан мавжуд бўлиб, асосан, ер усти манбаларидан фойдаланилади. Булар Питнак сув тозалаш иншооти ва Урганч шаҳар сув тозалаш иншоотларидир. Ушбу иншоотларда ер усти манбаларидан сув олиниб тозаланади ва Ўзбекистон миллий стандарти УЭМСТ 133-2024да белгиланган талабларга жавоб берадиган ичимлик суви истеъмолчиларга етказиб берилади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекис-

тон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўртасида қўшма қарор тасдиқланиб, ичимлик сувини истеъмолчиларга сифатли миллий стандартлар талабида етказиб бериш назоратга олинган.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ташаббуси билан жорий йилнинг 1-чорагида 36 та ичимлик суви сифати бўйича назорат тадбири ўтказилди. Шаҳар ва туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари ҳамда "Хоразм сув таъминоти" ҳодимлари билан биргаликда 436 та ичимлик суви намунаси олиниб, махсус лабораторияларда таҳлилдан ўтказилди.

Ушбу таҳлил натижаларига кўра, 21 та нуктадан олинган ичимлик суви намуналарида Ўзбекистон миллий стандарти УЭМСТ 133-2024нинг талабларига рухсат берилган микробиологик ва органолептик кўрсаткичлари бўйича йўл қўйиладиган чегаравий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари аниқланди. Бу ҳолатлар Хива шаҳри, Гулран, Урганч ва Хива туманларида аниқланди. Худудий назорат қилиш инспекцияси томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича "Хоразм сув таъминоти" АЖ ҳамда унинг шаҳар ва туман филиалларига ичимлик суви сифатини Ўзбекистон миллий стандарти УЭМСТ 133-2024нинг талабларига қисқа муддатларда мослаштириб, истеъмолчиларга етказиб беришни таъминлаш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритилди.

Шу билан бирга, қўшма қарор талаблари асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси марказий аппаратига барча зарур маълумотлар тақдим қилинди ва Инспекция марказий аппарати томонидан назоратга олиниши таъминланди.

"Хоразм сув таъминоти" АЖ ҳамда шаҳар ва туман филиаллари томонидан қўрилган зарурий чоралардан кейин ушбу нукталардан шаҳар ва туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан таҳлил учун қайта намуналар олиниб, махсус лабораторияларда текширилди. Ичимлик суви сифати Ўзбекистон миллий стандарти УЭМСТ 133-2024нинг талабларига рухсат берилган микробиологик ва органолептик кўрсаткичлари бўйича йўл қўйиладиган чегаравий меъёрлардан ошмаганлиги тасдиқланди.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ва бошқа ваколатли органлари билан биргаликда, ушбу истеъмолчиларга сифатли ичимлик суви етказиб бериш йўналиши бўйича ўрганишлар давом этмоқда. Аниқланган ҳар бир Ўзбекистон миллий стандарти УЭМСТ 133-2024нинг талаблари бузилиши ҳолати мутахассислар томонидан алоҳида назоратга олиниб, истеъмолчиларга сифатли ичимлик суви етказиб бериш бўйича барча қонуний чоралар қўрилиши таъминланади.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ичимлик сув тармоқлари муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, Бухоро вилоятида сув тармоқлари орқали келаётган сув аҳолининг асосий ичимлик манбаи ҳисобланади. Сув тармоқлари орқали келаётган сув қудуқлар, насос станциялари ва тозалаш иншоотлари орқали тайёрланиб, катта харажатлар эвазига аҳолига етказилади. Бироқ айрим жойларда эски қувурлар, носоз кранлар сабабли сувнинг катта қисми манзилга етмасдан, йўлда йўқотилмоқда.

## Оби ҳаётни асраш орқали барқарор ривожланишга ҳисса қўшган бўламиз

### Раби АВЕЗОВ,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

### Ичимлик сувини асраш учун:

- уйдаги кранларни ўз вақтида таъмирлаш;
- сувдан фойдаланиб бўлгандан сўнг дархол ёпиш;
- ҳовли ва боғни ичимлик суви билан сугормаслик;
- қувурлардаги носозликлар ҳақида масъул ташкилотларга ўз вақтида хабар бериш керак.

Бугунги кунда Бухоро вилояти аҳолисининг 75 фоизи марказлашган ичимлик суви билан, қолган 25 фоизи эса ташима йўл орқали таъминланмоқда. Марказий оқова хизмати билан бор-йўғи 18 фоиз аҳоли таъминланган ҳолос.



### Худудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтган йилда:

- Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 2061 та таҳлил намунаси олиниб, шундан 42 та ҳолатда ичимлик сувининг белгиланган миллий стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Камчиликлар бўйича белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга эъма кўрсатмалар берилиб, камчиликлар бартараф этилди;
- ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 341 та ноқонуний уланиш ҳолати аниқланди. Бунинг оқибатида қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 284 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди;
- 385 та бюджет ташкилоти ўрганилиб, 63 та ҳолатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш қондаларига амал қилинмаганлиги аниқланди. Қоидабузарларга нисбатан 40 та 82,5 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди;
- ер ости ичимлик сув иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши юзасидан 153 та ўрганиш давомида 19 та камчилик аниқланди. Шунингдек, 10 та рухсат олинмасдан қазилган ер ости сув қудуқлари учун маъмурий жарима қўлланилган;
- худудларда сув таъминоти ташкилотлари томонидан тақдим этилган 235 та техник шартлар ўрганилиб, уларнинг 33 тасида камчилик аниқланган;

- аниқланган ноқонуний ҳолатлар юзасидан 424 та қоидабузарга нисбатан 1382,9 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди;
- инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан янгидан қамраб олинган худудларда аҳоли ва сув таъминоти ташкилотлари ўртасида шартнома расмийлаштирилмасдан қолган 767 та хонадон билан Инспекция иштирокида шартномавий муносабатлар расмийлаштирилди. Бу орқали 1958 нафар аҳоли тоза ичимлик суви таъминоти билан қамраб олинди;
- назорат тадбирлари давомида ичимлик ва оқова сув тармоқларида 153 та носозлик (авария)лар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича сув таъминоти ташкилотларига 69 та мажбурий кўрсатма киритилди;
- ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан аҳолини қамраб олиш ҳамда сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ўрганиш мақсадида худудлардаги 246 та маҳалла фуқаролар йиғини кесимида режа асосида ўрганиш ишлари олиб борилди;
- ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг соҳа бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, жамоат жойларидаги ташқи реклама конструкцияларида жами 280 та тарғибот тадбири ўтказилди.

Булардан ташқари, "Ягона давлат назорати" ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларида ўтказилган 55 та назорат тадбирида 47 та камчилик аниқланиб, МЖТКнинг тегишли моддалари билан 148,2 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Сувни асраш – бу фақат тежамкорлик эмас, балки келажақ авлод олдидаги масъулиятдир. Ичимлик сувини асраш орқали биз Бухоронинг барқарор ривожига ҳисса қўшган бўламиз.

### Бонг!

## “O'zsuvta'minot” АЖ раҳбарлари диққатига! Сувсозлар лоқайд бўлгач, қувурлар қайта ёрилаверади-да!

Сиз кўриб турган сурат Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги тоғли худудда жойлашган Чашма Мирон қишлоғидан эмас, балки Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманининг "Дўстлик-2" маҳалла фуқаролар йиғинидан олинди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Гап шундаки, жорий йилнинг 17 апрель куни шу худуддаги 11 та 9 қаватли уйлардаги 878 та хонадонда яшаётган 4365 нафар аҳоли ва бир нечта савдо тармоқлари, новвойхоналар ҳеч қандай оғохланмаган, эртадан кечгача совуқ сувдан бебаҳра қолишди. Бунинг сабаби, уч кун аввал худуд ахлини оби ҳаёт билан узлуксиз равишда таъминлаб келган марказий қувурнинг ёрилиб кетганидир.

Туман сув таъминоти бўлими инспекторлари худудлардаги асосий трассаларни доимий равишда назорат қилиб туришга масъул бўлсаларда, уларнинг ўз вазибаларига лоқайдлиги туфайли ён-атроф ва катта серқатнов йўлнинг акарият қисми лой аралаш балчиққа буланди. Фуқаролардан бири мазкур воқеа юзасидан ташкилотга хабар бермаганида, ким билади, яна неча кун бу ҳолат давом этиши мумкин эди.

Шундан сўнг, қорхона ҳодимлари ҳаракатга келиб, техника ёрдамида қувурни тўзатишди.

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманининг "Дўстлик-2" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳолат.



Очиғини айтиш керак, сув таъминотидаги ларнинг ишидан одамлар миннатдор бўлгани йўқ. Сабаби шуки, мазкур қувур ҳар йили, яъни, уч йилдан буён айнан шу жойдан қайта-қайта ёрилади, ҳодимлар келиб тўзатаверишади.

Шу ўринда савол туғилади: нега ҳар йили бир жойдан қувур ёрилади ва бунинг сабаби нимада? Агар қувур чириб, муддатини ўтаб бўлган бўлса, янгисига алмаштиришни имкони йўқми? Ҳар сафар таъмирлаш ишлари олиб бориладиганда, қазиб чиқарилган лой ва балчиқни йиғиштириш, пиедалар юрадиган йўлакни тозалаш ҳеч кимни ҳаблига келмайди. Ҳеч нарса бўлмаганда, ташлаб кетаверишади. Бу эса, худуднинг ташқи қиёфасига путур етказиш билан бир қаторда, ёз пайтида бу ердан кўтариладиган чанг аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказмоқда. Бундан ташқари, пиедалар йўлагининг бир қисми ҳам уларнинг "меҳнати" натижасида таъмирга муҳтож бўлиб қолган.

Янгиҳаёт тумани кейинги йилларда пойтахтимизнинг энг кўркам манзилларидан бирига айланиб борапти. Чунки худудда юзлаб кўп қаватли турар жойлар бунёд этилиди ва муҳтожлар ўз уйига эга бўлиб, завод-фабрикаларнинг қурилиши ҳисобига минглаб ёшларнинг доимий бандлиги таъминланмоқда. Бу ҳаракатлар жорий йилда ҳам жадаллик билан давом этаётган ҳозирги кунда "Дўстлик-2" маҳалла фуқаролар йиғинида қайд этилган кўнгилсиз ҳолат амалга оширилаётган ободлик ва бунёдкорлик ишларига соя солмайди, деб ким айта олади? Қисқаси, уч йилдан буён сувсозлар унутиб қолдираётган бу масала ўйлашмики, тез орада ижобий ечим топади.

Тахририят эса, яна бу мавзуга қайтади!

## Жаҳон архитектураси

▼ Вестминстер саройи.

# Лондоннинг юраги

Темза дарёсининг мовий тўлқинлари узра қад кўтарган ва асрлар давомида дунё сиёсатининг ўзагини белгилаб келаётган Вестминстер саройи нафақат Буюк Британиянинг қонун чиқарувчи органи, балки бутун дунё демократиясининг “бешиги” ва меъморий мўжизаси ҳисобланади.

**Чаросхон НЕЪМАТОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети талабаси.



даки, бу икки зал ранглар символикаси билан ажралиб туради. Лордлар палатаси аънавий кизил рангда безатилган бўлиб, у ерда киролича ёки киролик тахти жойлашган ҳамда дабдабали аристократик руҳ ҳукмрон. Жамоатлар палатаси эса яшил рангда бўлиб, бу ерда халқ томонидан сайланган депутатлар энг кизгин баҳсларни олиб боришади.

Ушбу заллар ўртасидаги масофа бир неча ўн метр бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос қатъий протокол ва асрий аънаваларга эга. Масалан, Жамоатлар палатасига монархнинг кириши қатъиян ман этилган – бу қоида XVII асрдаги инқилобий воқеалардан бери парламент мустақиллигининг рамзи сифатида сақланиб келади.

Вестминстер саройининг қурилиши ўз даврининг энг йирик муҳандислик лойиҳаси бўлиб, унинг қад кўтариши учун улкан миқдордаги табиий ва сунъий ресурслар сафарбар этилган. Бинонинг ташқи кифёси учун асосан, Йоркширдан келтирилган тилларанг Анстон оҳақтоши ишлатилган бўлиб, бу тош унга ўзига хос маҳобат ва нафислик бахш этади. Ташқи қопламанинг остида эса ўн миллионлаб пишиқ гўштдан иборат мустаҳкам “скелет” жойлашган.

Сарой қурилишида ўша давр учун инқилобий бўлган ёнгина чидамли чўян ва пўлат конструкциялардан кенг фойдаланилган. Хусусан,

бинонинг бутун том қисми оғир чўян плиталари билан ёпилган. Ички безакларда эса, энг олий навли асрий эман дараклари ва гектарлаб майдонни эгаллайдиган нақшларни қоплаш учун улкан миқдорда соф олтин суви ишлатилган. Бино 30 йилдан ортқ вақт давомида қурилган. Уша даврнинг энг илгор технологиялари ва бекиёс моддий маблағлари эвазига бунёд этилган ушбу сарой нафақат сиёсат маркази, балки инсоният меъморий даҳосининг энг йирик моддий далилидир.

Вестминстернинг аҳамияти фақат чиройли бинода эмас, балки “Вестминстер модели” деб аталуви бошқарув тизимидадир. Дунёнинг ўнлаб мамлакатлари, жумладан, Хиндистон, Канада, Австралия ва кўплаб ҳамдўстлик давлатлари айнан шу саройда ишлаб чиқилган қоидаларни ўзларига намуна қилиб олганлар. Бу ерда ҳукуматнинг парламент олдида ҳисобдорлиги, муҳолифатнинг расмий мақоми ва қонунларни уч марта ўқиш каби тартиблар тузилган.

Бугунги кунда ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган ушбу сарой нафақат Буюк Британия фахри, балки бутун инсониятнинг сиёсий тараққиёт йўлини кўрсатиб берувчи жонли музейдир. Агар Лондоннинг юраги қаерда деб сўрашса, ҳеч иккиланмай Темза бўйидаги ушбу тилларанг гумбазли саройни кўрсатиш мумкин.

# Табиатни ким эшитади?

**Шохруҳ АКРАМОВ,**  
Фарғона шаҳридаги Озёқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти доценти,  
**Лазизбек АБДУЛЛАЕВ,**  
институт талабаси.

Баъзан табиат сукутга чўмади – у бақирмайди, шикоят қилмайди, ҳеч кимни айбламайди. Аммо айнан шу жимжитлик унинг энг оғир фарёдига айланади, чунки бу сукут ортида инсон бепарволигининг излари, ташлаб кетилган чиқиндилар, вайрон қилинган гўзаллик ва эътиборсизликдан туғилган оғриқ яширинган бўлади.

Фарғона вилояти Кува туманидаги “Каркидон” дам олиш зонаси аслида инсон руҳини тинчлантирадиган, табиат бағрида сокинлик топиш мумкин бўлган масканлардан биридир. Бу ерга келган киши мусаффо ҳаво, яшил манзаралар ва сокин сув товушидан завқ олишни кутади.

Афсуски, ҳар доим ҳам бу орзудаги манзара қаршимизга чиқавермайди. Баъзан бу гўзаллик ўрнини пластик идишлар, қоғозлар ва ташлаб кетилган чиқиндилар эгаллайди. Шунда инсон қалбига оғрик пайдо бўлади, чунки бу оддий ифлосланиш эмас, балки табиатга бўлган хурматсизликнинг аччиқ ифодасидир.

Энг ачинарлиси шундаки, бу чиқиндилар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди – уларни инсон қўли қолдиради. Биз дам олиб, қулиб, суратта тушиб

кетамиз, аммо ортимизда жим йиғлаётган табиатни сезмаймиз. Гўё у ҳаммасини кўриб турган бўлса-да, ҳеч нарса дея олмаётгандек...

Биз ҳам бу ёқимсиз манзарани кўриб, бефарқ ўтиб кетолмадик. Дам олиш зонаси ҳудудини тазалашга киришдик. Ташлаб кетилган чиқиндиларни йиғиб, ерга сингиб кетган ифлосланиш изларини имкон қадар бартараф этдик. Ҳар бир эгилганимизда гўё табиат олдида уэр сўраётгандек хис қилдик ўзимизни. Ҳар бир йиғилган чиқинди эса – кечиккан бўлса-да, қилинган кичик яхшилик эди.

Худуд аста-секин ўзининг асл холига қайта бошлади – сув юзида яна ёруғлик акс этди, шамол янада эркин эса бошлади. Аммо бу манзара ортида битта савол юракни тарқ этмайди – нега биз гўзалликни асрай олмаймиз? Нега уни кўриб қувониш ўрнига, бузишга уринамиз?

Аслида, табиат биз билан гаплашади. Лекин биз уни ҳар доим ҳам эшитмаймиз. У шамолда, сувда, барглarning шиттиришида нимадир демоқчи бўлади, аммо биз кўпинча шовқин ичида уни йўқотамиз.

“Каркидон” бугун яна топ-тоза. Аммо бу тозалик доимий бўлиб қолиши учун бир марталик ҳаракат етарли эмас – у онг, маданият ва масъулият билан сақланади. Ҳар бир инсон дам олган жойини ўз уйи каби асраса, табиат ҳеч қачон йиғламайди.

Унутмайлик, табиат биздан кўп нарса сўрамайди. Фақат озгина эътибор, ҳурмат ва меҳр кутади ҳолос. Шунга ҳам бера олмасак, унда табиатни ким эшитади?



▲ Фарғона вилояти Кува туманидаги “Каркидон” дам олиш зонаси ҳудуди чиқиндилардан тазаланмоқда.

# “Бухорозенергомарказ”да сайёр қабул

▼ Сайёр қабул жараёнидан лавҳа.

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимидаги мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида “Бухорозенергомарказ”да навбатдаги сайёр қабул ташкил этилди.

**Зулфизар МАВЛОНОВА,**  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.



– Шу сабабли, “Ishonch telefoni” ва сайёр қабуллар орқали келаётган мурожаатларни батафсил ўрганиб, тизимли муаммоларни ҳал этишда давом этилади.

Шу билан бирга, қабул жараёнида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳам аҳоли томонидан эътироф этилди. Хусусан, Пиридасттир кўчаси, 9/2-уй, 30-хонадон яшовчи Муҳтарам Исмагуллаева “Бухорозенергомарказ” томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ходимларнинг фидокорона меҳнатидан мамнунлигини билдирди. Фуқаро иссиқлик таъминоти тизимининг барқарор ишлаши натижасида хонадонларда яратилган қудайликлар учун қорхона раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдирди.

# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 21 - 23 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Нурбек Бекмуродов**, вазир ўринбосари **Умиджон Азимов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиги **Музаффар Қодиров**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти норматив ҳужжатларни тизимлаштириш ва атамалар бўлими бошлиги **Сайёра Таджиходжаева**, “O'zshaharsozlik LIT” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 7-ўстахонаси 2-тоифали иқтисодчиси **Насиба Муримова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Баҳадир Тлеумуратов**, Мўйноқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Еркинбай Абдибаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Акмал Юлдашев**,

Андижон вилояти Хонобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги **Муҳаммадсаноил Турғунов**,

Қашқадарё вилояти Қамаш тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Аслиддин Алиқулов**, Деҳқонобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Фарҳод Чориев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Хусниддин Назаров**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Мархаб Набиева**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бош мутахассиси **Искандар Аҳмеджонов**, мутахассис **Бобур Ғуломов**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ “Бухоро” филиали ИЧТВ технолог **Шамшод Мاستонов**, Қозонхона операторлари **Мустафо Жумаев**, **Баҳодир Абдуллаев**, “Самарқанд” филиали Иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва техник хизмат бўйича чилангар **Шохруҳ Эрқаев**, Навоий вилояти “Конимех” филиали қозонхона оператори **Моҳира Сулаймонова**, ишлаб чиқариш хоналар фаррошлари **Умида Ғайбуллаева**, чилангар-сантехник **Иззатулла Раббимов**, Иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Умиджон Турақулов**, “Зарафшон” филиали диспетчери **Асел Тоқоева**, Иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Зиёдулла Умаров**, Тошкент вилояти “Ангрен” филиали Иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш чилангарлари **Усубали Қурбонов**, **Азиз Менглиқулов**, “Чирчиқ” филиали назоратчиси **Гулнара Алжанова**, метролог муҳандис **Алимбой Турдибоев**, ОКБА к/оператори **Марина Бурнашева**, Тошкент тумани филиали 1-микрорайон қозонхонаси оператори **Баҳром Тешабоев**, Қизилар тумани филиали назоратчи-ҳисобга олувчиси **Зулайхо Зокирова**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улўғбек туманидаги “Elobod Kommunal Servis” БСК МЧЖ бош директори **Фахриддин Мамаатов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод эта-миз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

## “O'ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА

# 2026 йил учун

обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today

## BAHOLASH ISHLARINI O'TKAZISH HUQUQIGA EGA TASHKILOTLAR DIQQATIGA!


O'zbekiston Respublikasi aksiyadorlik tijorat Xalq bank tasarrufida tashkil qilingan “Kokand future invest” MChJ investitsiya tashkiloti tomonidan Farg'ona viloyati Qo'qon shahri Movarounnaxr, Xo'jand va Istiqlol ko'chalari hududida qurib bitkazilgan 3 ta 10 qavatli turar joy binosini baholash maqsadida yuqori baholash sertifikatiga ega tashkilotlarini tanlab olish bo'yicha

## TANLOV E'LON QILINADI!

Baholash ishlarini amalga oshirishda ishtirok etish istagida bo'lgan tashkilotlar takliflari qabul qilinishini ma'lum qilamiz. Eng yuqori reytingga ega va samarali iqtisodiy takliflar kiritgan tashkilotlar tanlov g'olibi sifatida tanlanadi.

Takliflar 2026-yil 24-aprelga qadar Toshkent shahar, Chilonzor tumani, “Fidokor” MFY, 16-mavze, 10-uy manzilida qabul qilinadi.

Ma'lumot uchun telefon: +998 (90) 995-66-76. Elektron pochta: percainvest@xb.uz



**Тахрир хайъати:**  
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева  
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов  
Муҳассир – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎЗАШҚЛИТИ” МЧЖ, “ЎЗАШҚЛИТИ” МЧЖ, “Книшлук қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**  
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Худудлардаги мухбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 441. 1336 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 22.00.